

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ ДИЛШОД ПЎЛАТОВИЧ**

**ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИ  
АСОСИДА МАРГАРИН САНОАТИ ЁҒЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рахимов Дилшод Пулатович**

Ўсимлик мойларини модификациялаш жараёни  
асосида маргарин саноати ёғларини ишлаб чиқариш  
технологиясини такомиллаштириш ..... 3

**Рахимов Дилшод Пулатович**

Совершенствование технологии производства  
жиров маргариновой промышленности на основе  
процесса модификации растительных масел ..... 21

**Rakhimov Dilshod Pulatovich**

Improving the technology for the production  
of fats in the margarine industry based on the  
process of modification of vegetable oils ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМОВ ДИЛШОД ПЎЛАТОВИЧ**

**ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИ  
АСОСИДА МАРГАРИН САНОАТИ ЁҒЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш,  
сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1542 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Рўзибоев Акбарали Турсунбаевич**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Исабаев Исмоил Бобожонович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Юнусов Обиджон Қодирович**  
техника фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 йил соат «\_\_\_» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti\_info@edu.uz.). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**С.М.Туробжонов**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Х.Э.Кодиров**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**К.О. Додаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунёда қаттиқ ёғлар озиқ-овқат саноатида маргарин, қандолат, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва бошқа турдош тармоқларда ишлатилиши йилдан йилга ошмоқда. Шу билан бирга суюқ ўсимлик мойларидан қаттиқ озиқ-овқат ёғларини олиш, ўсимлик мойларини гидрогенлаш жараёнини турли қўшимчалар билан янги юқори даражада селективли танлаб олинган никел ва мис-никел катализаторлари ёрдамида яхшилаш, хомашё ўсимлик мойлари ва ёғларни водород билан тўйинтириш жараёнини такомиллаштириш муҳим аҳамият эга ҳисобланади.

Жаҳонда озиқ-овқат саноатида маргарин, қандолат, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа турдош тармоқларни ривожлантириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ўсимлик мойларини переэтерификациялаш жараёни такомиллаштириш, ўзига хос маргарин ёғли асосини олиш, статик ва йўналтирилган переэтерификациялашда натрий этилат кукунсимон катализаторлари билан переэтерификациялаш ва улар асосида олдиндан берилган талаб асосида қаттиқ ёғлар структура ва хоссаларини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий хомашёлардан маргарин ишлаб чиқарадиган бир қатор корхоналар реконструкция қилинган. Ўсимлик мойлари ва ёғларни натрий этилат каби кукунли катализаторларда переэтерификациялаш, ўсимлик мойлари ва ёғларини модификациялаш, маргарин саноати ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, янги таркиблар ва уларни ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашга асосланган янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янги босқичга ошириш»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан маргарин саноатида ўсимлик мойлари ва ёғларни модификациялаш асосида ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ ва мой саноатини янада ривожлантириш ва соҳани бозорини бошқариш механизмларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги, 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ-2916-сон «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маргарин саноатида ўсимлик мойлари ва ёғларни модификациялаш асосида ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича А.Г.Сергеев, Д.В.Соколский, П.В.Науменко, Б.Н.Тютюнников, А.А.Шмидт, П.А.Артамонов, А.И.Глушенкова, Н.С.Арутюнян, А.А.Абдурахимов, Ф.Б.Бижанов, М.А.Гинзбург, К.А.Жубанов, Н.Л.Меламуд, И.М.Товбин, С.А. Абдурахимов, Ю.Қ.Қодиров, К.Х.Мажидов, И.Б.Исабаев ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Улар томонидан қаттиқ ёғларни озик-овқат саноатида маргарин, қандолат, нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ва бошқа турдош тармоқларда ишлатилиш, ўсимлик мойлари ва ёғларини модификациялаш асосида маргарин саноати ёғларни ишлаб чиқариш технологиялари ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, ўсимлик мойлари ва ёғларни гидрогенлаш ва переэтерификациялаш жараёнларини такомиллаштириш, гидрогенизациялаш ва переэтерификациялаш учун хом ашё турлари ва уларнинг асосида олинган маҳсулотларни - маргарин саноати учун кенгайтиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №АМ-ФЗ-201908159 «Маҳаллий хомашёдан олинган бойитилган функционал кўшимчалар билан парҳезли маргарин ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш» (2020-2022 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўсимлик мойларини модификациялаш асосида маргаринга хомашё ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

маргариннинг ёғли асосларини олиш учун гидрогенизацияланадиган хомашё - ўсимлик мойлари таркибининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ўсимлик мойларининг табиати ва тўйинмаганлик даражасининг уларни гидрогенлаш жараёнига таъсирини аниқлаш;

турли табиий ўсимлик мойларидан олинадиган озиқа саломасларининг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

маргариннинг ёғли асосини олиш учун олинган озиқа саломасларини рафинацияланган мойлар билан переэтерификациясини тадқиқ қилиш;

маргарин ишлаб чиқаришнинг ёғли асоси переэтерификатларнинг асосий кўрсаткичларини аниқлаш;

маргарин саноатида ёғларини ишлаб чиқариш технологиясини ўсимлик мойларини модификациялаш асосида такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида гидрогенланадиган ва переэтерификацияланадиган рафинацияланган ўсимлик мойлари, ушбу жараёнларнинг катализаторлари, маргарин саноати учун модификацияланган ёғли асослар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** маргарин саноати учун турли дисперс кукунли катализаторларда модификацияланган ёғ асосини олиш учун ўсимлик мойларини гидрогенлаш ва переэтерификациялаш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида ўсимлик мойлари ва ёғларнинг хоссаларини таҳлил қилишнинг замонавий физик, кимёвий ва физик-кимёвий усуллари (ИК, ГЖХ, ЯМР ва) ҳамда уларни гидрогенлаш ва переэтерификациялаш усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўсимлик мойларини йод сонини, дисперсли никель катализаторларини гидрогенлаш жараёнига бўлиб бериш билан минимал даражага тушириш аниқланган;

маргарин ишлаб чиқариш учун олинадиган ёғли асос миқдорини белгилайдиган ўсимлик мойларини гидрогенлаш ва переэтерификациялаш технологик жараёнлари ишлаб чиқилган;

кукунли никель ва натрий этилат катализаторларида танланган ўсимлик мойларини гидрогенлаш ва переэтерификациялашнинг мақбул технологик режимлари аниқланган;

ўсимлик мойларини модификациялаш (гидрогенлаш ва переэтерификациялаш) усуллари билан олинган маргаринларнинг ёғли асосларига қўйиладиган асосий технологик талаблар ишлаб чиқилган;

ёғларни переэтерификациялаш катализаторларини (натрий метилат ёки этилат) 0,5% дан 1,0% гача бўлган органик (лимон, олма, сирка ва) кислоталарининг 2% сувли эритмасини киритиш орқали дезактивациялашни усули ишлаб чиқилган;

маргарин учун модификацияланган ёғли асосларни олиш технологиясини, рафинацияланган ўсимлик мойларини гидрогенлаш ва переэтерификациялаш жараёнларини биргаликда қўллаш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маргарин саноатининг ёғли асосини ишлаб чиқаришга олинган рафинацияланган ўсимлик мойлари билан озиқа саломасларини переэтерификациялаш жараёнининг таъсири аниқланган;

олинган озиқа саломасларининг рафинацияланган мойлар билан натрий этилат катализатори иштирокида переэтерификациялашнинг қулай технологик шартлари ишлаб чиқилган;

маргарин учун модификацияланган ёғли асосларни олиш технологиясини, рафинацияланган ўсимлик мойларини гидрогенлаш ва переэтерификациялаш жараёнларини биргаликда қўллаш орқали такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** диссертация тадқиқоти физик-

кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларида фойдаланиш, хомашё ва уларнинг каталитик гидрогенлаш ва переэтерификациялаш маҳсулотларининг сифат кўрсаткичларини баҳолаш усуллари билан, янги авлод катализаторларининг асосий гидрогенлаш ва переэтерификациялаш хусусиятларини таҳлил қилиш, шунингдек, республика ёғ-мой саноати корхоналарида тадқиқот натижаларини жорий этиш орқали исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маргарин ишлаб чиқариш учун ёғли асосларни олиш мақсадида ўсимлик мойларини гидрогенлаш ва переэтерификациялаш жараёнларига, табиати ва тўйинмаганлик даражасини таъсирини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ўсимлик мойларининг табиати ва тўйинмаганлик даражаси, шунингдек, уларга ҳамроҳ моддалар маргариннинг ёғли асосларини модификациялаш жараёнларига таъсирини аниқлаш ва олинган озикавий ёғларда уларнинг таркибини камайтириш усуллари ишлаб чиқишда хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** Ўсимлик мойларини модификациялаш жараёни асосида маргарин саноати ёғларини ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мойларни Нисосел-820 катализаторида чуқур гидрогенлаш «Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг «2021–2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 16 февралдаги КС/3-198-сонли маълумотномаси). Натижада қаттиқлиги 460 г/см, эриш ҳароратлари 52-55°C бўлган транс кислота миқдори 7% га туширилган саломаслар олиш технологиясини жорий қилиш имконини берган;

олинган саломас ва кунгабоқар мойи, пахта мойини переэтерификациялаш таркиби натрий этилат катализатор иштирокида олиш технологияси «Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг «2021–2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 16 февралдаги КС/3-198-сонли маълумотномаси). Натижада транс кислота миқдори 2,1% га туширилган переэтерификатлар олиш имконини берган;

олинган модификацияланган ёғлар асосида маргарин олиш технологияси «Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг «2021–2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзёғмойсаноат» уюшмасининг 2021 йил 16 февралдаги КС/3-198-сонли маълумотномаси). Натижада маргарин маҳсулоти ишлаб чиқаришни 20% га ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 2 та халқаро ва 5 та миллий илмий-техник анжуманларда тақдимот ва муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий мақола чоп этилган. Шу жумладан, докторлик

диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган 1 та монография, 8 та илмий нашрларда, 3 таси – хорижий, 5 таси республика журналларида чоп этилган мақолалар. Халқаро ва миллий илмий-амалий анжуманларда 7 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, 32 та жадвал, 4 та расм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова-лардан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 110 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўсимлик мойларини модификациялаш жараёни асосида маргарин саноати ёғларини ишлаб чиқариш технологиясининг замонавий ҳолати»** деб номланган биринчи бобида маргарин рецептурасини тузишда иштирок этадиган модификацияланган ёғларнинг аҳамияти тўғрисида замонавий ғоялар, инсоннинг овқатланишида, унинг озикавий қиймати ва уни тузатишнинг асосий йўналишлари муҳокама қилинган. Ушбу турдаги маҳсулотларнинг биологик қийматини ошириш усуллари умумлаштирилган ва тизимлаштирилган. Маргарин ишлаб чиқаришда ўсимлик мойлари ва қаттиқ ёғлардан (ёғларни модификация қилиш учун) хом ашёни ишлатиш истиқболлари таҳлил қилинган. Шарҳда юқорида айтиб ўтилган муаммолар ва уларнинг мамлакатимиздаги ва хориждаги ечимларига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, ҳар хил турдаги маргаринларни ишлаб чиқаришда ишлатиладиган ёғларнинг сифатини баҳолашга катта эътибор берилган.

Диссертациянинг **«Хомашё ва модификацияланган ёғларнинг таҳлил усуллари ва тажриба техникаси»** деб номланган иккинчи бобида бошланғич рафинацияланган ўсимлик мойлари шунингдек уларни гидрогенлаш ва переэтерификация қилиш усуллари билан модификациялаш маҳсулотларини таҳлил қилишнинг, асосий техник воситалари ва усуллари берилган. Маълумки, ўсимлик мойларини гидрогенлаш жараёнининг моҳияти ёғлар ва мойларни переэтерификация қилиш жараёнидан тубдан фарқ қилади. Шунинг учун уларни ўрганишни лаборатория шароитида технологик параметрларини (ҳарорат, босим, аралаштиргичнинг айланиш частотаси ва бошқаларни) ўзгартириш имконияти билан алоҳида тажриба ускуналарини яратиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Microsoft Excel дастури ёрдамида экспериментал маълумотларни математик режалаштириш ва статистик ишлов бериш усуллари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **«Ўсимлик мойлари ва ёғларни гидрогенлаш ва**

**перезтерификация қилиш жараёнларини тадқиқ қилиш»** деб номланган учинчи бобида кукунли никел катализаторларида пахта ёғини қисман ва чуқур гидрогенлаш маҳсулотларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини назарий ва экспериментал асослашга бағишланган. Пахта мойлари таркибида пальмитин кислотаси ( $C_{16:0}$ ) 24% гача, йод сони 3-5%  $I_2$  бўлган саломаларни олиш учун гидрогенизация қилиш мумкин. Бундай қаттиқ ёғлар тристеаринлар деб ҳам аталади, бу ерда стеарин кислотаси триацилглицеридларнинг учта позициясида жойлашади. Гидрогенлаш учун юқори даражада рафинацияланган пахта ва кунгабоқар ўсимлик мойларидан фойдаланилди. Ушбу ишда йод сони 110% бўлган пахта ва 126% бўлган кунгабоқар мойлари гидрогенизацияси олиб борилган. Гидрогенлаш жараёнини бошқариш ва ёғларнинг чуқур тўйинганлиги аниқлаш учун рефрактометриқ усулдан фойдаланилди. Ёғ ва мойларнинг нур синдириши кўрсаткичини ўлчашнинг маълум усули бўйича пахта ва кунгабоқар мойлари учун 20°C даражада универсал Refracto 30QS рефрактометрида намуналарни аниқланган.

Гидрогенлаш жараёнининг кинетикасини ўрганиш учун вақти-вақти билан гидрогенланган маҳсулот намуналарини олиб бордилди. Гидрогенлаш куйидагича амалга оширилди: 400 г рафинацияланган мой реакторга солинди, термик мой термостатида олдиндан белгиланган ҳароратгача қиздирилди ва тизимда ҳавони сиқиб чиқариш учун водород билан ҳайдалиб тозаланди. Водород биринчиси сульфат кислота билан тўлдирилган, иккинчиси калций хлорид билан тўлдирилган Тищенко колбалари орқали ўтказилиб қуритилган. Мой белгиланган ҳароратига етганда, катализатор берилди. Водородни бериш тезлиги 1,2 л/мин. Гидрогенлаш жараёнини бошқариш саломасининг 60°C даги нур синдириш кўрсаткичи бўйича рефрактометриқ усул билан амалга оширилди. Кунгабоқар мойи таркибида мумсимон моддалар борлиги сабабли, қийин гидрогенланадиган мой ҳисобланади. Шунинг учун уни гидрогенлашда катализатор пахта мойига қараганда кўпроқ сарфланади. Доимий гидрогенлаш реакторда 190°C га қадар амалга оширилди. Жараён босими 1,2 атм гача кўтарилди, гарчи реакция селектив бўлса ҳам. Гидрогенлаш реакцияси селективсиз бўлса, водород берилиш босими, оддий шароитдаги босим берилишидан юқори бўлади. Реакторда босим 3,5 атм гача кўтарилди (1-жадвалда) ўсимлик мойларини селектив ва селективсиз гидрогенлашнинг технологик усуллари кўрсатилган.

## 1-Жадвал

### Кунгабоқар мойларини селектив ва селективсиз гидрогенлашнинг технологик усуллари

Автоклав параметрлари	Селективли	Носелектив
Босим, атм	1,2	3,5
Ҳарорат, °C	190	153
Никел катализатор, %	0,02	0,04
аралаштириш (барботаж)	Доимий	Доимий
Эриш ҳарорати, °C	32	22

Ўсимлик мойларини танлаб гидрогенлаш учун технологик параметрлар жадвалда келтирилган кўрсаткичларга ега бўлиши керак.

2-жадвалда рафинацияланган пахта мойларини гидрогенлашнинг технологик параметрларининг қийматлари кўрсатилган.

### 2-Жадвал

#### Рафинация қилинган пахта мойларини гидрогенлаш учун технологик параметрларнинг қийматлари

Автоклав параметрлари	Селективли	Носелектив
Босим, атм	0,25	2
Ҳарорат, °С	190	156
Никел катализатор, %	0,02	0,025
аралаштириш (барботаж)	Доимий	Доимий
Эриш ҳарорати, °С	34	26

Жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилган 190°С ҳароратда селектив шароитда 34°С ли эриш ҳароратига қадар пахта мойини ҳарорати кетма-кет ўсиб борди ва селективсиз шароитларда 156°С гидрогенлаш ҳарорати жуда секин ўсди ва эриш ҳарорати 26°С бўлиб селективлидан кам бўлиши кузатилди. Экспериментлар давомида гидрогенлаш жараёнининг кинетикаси ҳам ўрганилган. Муайян вақт давомида намуналарда эриш ҳарорати ва йод сони аниқланди, олинган маълумотлар (3-жадвалда) келтирилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики. Тўйиниш пайтида эриш ҳарорати ва ёғнинг титри ошади, гидрогенланган ёғнинг йод сони қиймати эса камаяди.

### 3-жадвал


#### Олинган саломасларнинг эриш ҳароратига қараб йод сонининг ўзгариши

Пахта мойи		Кунгабоқар мойи	
Т <sub>эр.х</sub> , °С	Йод сони, J <sub>2</sub> %	Т <sub>эр.х</sub> , °С	Йод сони, J <sub>2</sub> %
10,2	102,4	-6	126
24,8	93,2	-4	112,8
31,7	79,2	11	104,0
32,7	74,2	25,6	95,6
33,1	76,1	32,3	86,6
34,2	75,9	39,2	80,3
37,8	62,9	42,1	75,4
40,0	59,6	45,0	75,0
43,5	52,3	47,3	70,4
48,3	43,3	49,2	68,1
52,8	33,4	51,4	65,6

Аммо ёғни титрнинг ошиши ва йод сонининг камайиши бир хил даражада содир бўлмайди. Гидрогенлаш жараёнининг бошида, юқори ўзига хос кислоталарнинг глицеридлари ёғ кислотаси молекуласида битта қўшбоғ билан

глицеридларга тўйинганида, ёғ титри йод сонининг маълум камайишига нисбатан анча пастроқ даражада ошиб, тўйиниш жараёнининг охирида, олеин кислотаси глицеридлари қаттиқ тўйинган глицеридларга ўтади. Гидрогенизация жараёнида кунгабоқар мойининг йод сони 126% дан 95% гача деярли йод сони 30% камайиб, ёғнинг титри  $-4^{\circ}\text{C}$  дан  $32,3^{\circ}\text{C}$  гача ошиб, яъни  $36,3^{\circ}\text{C}$  бўлиб кетма-кет гидрогенланиши натижасида йод сони 95-65,6 гача камайган (бу ерда кейинги миқдор ҳам олдинги миқдор каби бўлади)%  $\text{I}_2$ .

Ўз-ўзидан равшанки, ҳар хил турдаги хом ашёдан тайёрланган саломасларнинг титрлари тенг миқдордаги йод сони учун бир хил эмас ва аксинча, битта титрдаги саломасларнинг йод сони гидрогенланган ёғнинг табиатига қараб ўзгарса, маълум бир титрдаги саломасни йод сони қанча кўп бўлса, бошланғич мойнинг йод сони шунчалик кўп бўлади. Маълумки, гидрогенлаш жараёнида ишлатиладиган катализатор миқдори гидрогенлаш жараёнининг кинетикасига таъсир қилади. Ўсимлик мойларини тўйинганлиги, гидрогенлашда катализатор миқдори жараённинг кинетикасига ёғлардаги ёғ кислоталарининг таркибига ва транс кислота миқдорининг ўзгаришига қандай таъсир кўрсатиши ўрганилган. Олинган маълумотлар 1 ва 2-расмларда, ҳамда 4-жадвалда келтирилган. Саломасларнинг йод сонига катализатор миқдори таъсири ўрганилган (1-расм).




1-расм. Катализатор миқдорида боғлиқ ҳолда саломаснинг йод сони ва эриш ҳароратини ўзгариши.


Келтирилган 1-расмдан кўриниб турибдики, гидрогенлаш жараёнига кутилганидек катализатор миқдори ва жараённинг ҳарорати таъсир қилади. Катализатор миқдорининг 0,05 дан 0,5% гача ошиши саломаснинг эриш ҳароратини оширади ва йод сонини камайтиради. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, пахта мойи никель катализаторида етарли даражада гидрогенланади. Маълумки, саломаснинг йод сони ва эриш ҳарорати унинг ёғ кислотаси таркибига боғлиқ.

2-расмда мой массасига нисбатан катализатор иштирокида 0,1 дан 0,4% гача бўлганда, олинган саломас ёғ кислоталарининг таркибини кўрсатадиган баъзи хроматограммалар келтирилган. Саломаснинг ёғ кислотаси


таркибидаги ўзгаришини ўрганиш учун жараённинг тезлиги ва ишлатиладиган катализатор миқдорига қараб, саломаснинг хроматографик таҳлили ўтказилган.




а



б



с



д

а – 0,1; б – 0,2; с – 0,3; д – 0,4; бўлганда олинган саломасларнинг ёғ кислота таркибли хроматограммалари акс этган.

### Расм.2. Катализатор миқдори мой массасига нисбатан.

Хроматографик таҳлил натижасида тўйинган ва тўйинмаган ёғ кислоталарнинг таркиби, шунингдек турли миқдордаги катализатор

иштирокида олинган саломасларда транс изомерлари миқдори аниқланди (4-жадвал).

#### 4-Жадвал

### Турли миқдордаги катализатор иштирокида олинган саломаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари

№ Намуналар	Ёғ массасига нисбатан катализатор миқдори,%	Ёғ кислота таркиби, %			Кислота сони, мг КОН/г	Қаттиқлик, г/см	Т <sub>эр.х</sub> , °С
		Ёғ кислоталар миқдори, %		Транс изомерлар миқдори, %			
		Тўйинганлар	Тўйинмаганлар				
Бош.	0	25,7	74,3	0	0,2	-	-
1	0,05	28,2	71,8	38,8	0,6	200	28,2
2	0,1	30,1	69,9	35,2	0,6	260	32,9
3	0,2	30,7	69,3	33,9	0,5	290	35,1
4	0,3	31,2	68,8	32,4	0,5	340	37,8
5	0,4	32,4	67,6	30,1	0,5	500	43,2

Хроматографик таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, катализатор миқдори саломаснинг ёғ кислотаси таркибига сезиларли даражада таъсир қилган. 4-жадвалдан кўринадики, саломасларнинг барча намуналарида транс изомерлари мавжуд бўлиб, уларнинг миқдори катализатор миқдори ошиши билан мос равишда 38,8-30,1% гача камайган.

Переэтерификацияланган ёғлар маргариннинг пластиклигини ва эриш ҳароратини яхшилаш учун кенг қўлланилади. Биз республика корхоналарида мавжуд бўлган озикавий саломаслари ва ўсимлик мойлари билан переэтерификацияланган ёғни олиш бўйича тажрибалар ўтказдик. Олинган натижалар (5-жадвалда) келтирилган. Тажрибалар саломаслар ва ўсимлик мойлари аралашмаларини 60-65°С ҳароратда переэтерификациялаш учун лаборатория қурилмасида ўтказилди. Натрий этилат катализатори миқдори ёғ ва мойлар аралашмасининг оғирлигининг 0,4% ни ташкил этган.

#### 5-Жажвал

### Пахта саломаси ва кунгабоқар мойидан олинадиган переэтерификатларнинг асосий кўрсаткичлари

Намуна-лар	Ёғлар аралашмасининг нисбати		Транс изомерлар миқдори, %	Тўйинган ёғ кислоталари, %	Тўйинмаган ёғ кислоталари, %	Т <sub>эр.х</sub> , °С	Қаттиқлик, г/см	К.с. мг КОН
	Саломас	Под.масло						
№1	60	40	29,60	30,81	69,19	28	80	0,2
№2	75	25	36,35	35,02	64,98	34	120	0,3
№3	80	20	37,20	36,41	63,59	36	320	0,2
№4	90	10	42,06	39,29	60,71	39	360	0,3
саломас	-		46,37	41,5	58,5	43	500	0,4

Жадвалдан кўриниб турибди, олинган параметрлар эриш ҳарорати ва пластиклиги (қаттиқлиги) кўйилган талабларга жавоб беради. Аммо у таркибидаги транс кислота миқдори талабларига жавоб бермайди. Ёғлар аралашмасидаги кунгабоқар мойининг массаси улуши 10% дан 40% гача

ошганлиги билан транс-кислота миқдори 46,37% дан 29,60% гача камайди. Шу билан бирга, переэтерификацияланган ёғдаги ёғ кислоталарининг таркиби ҳам ўзгарган. Буни 6-жадвалдаги переэтерификатлардаги ёғ кислоталарининг таркибига қараб таҳлил қилиш мумкин.

### 6-Жадвал

#### Ўрганилган мой ва олинган саломас, переэтерификат намуналарининг ёғ кислотаси таркиби

Ёғ кислоталари	Бошлан- ғич мой	Намуналар				Саломас
		№1	№2	№3	№4	
Миристин (14:0)	0,08	0,48	0,58	0,61	0,68	0,72
Пальмитин (16:0)	6,84	16,82	19,30	19,85	21,57	22,75
Пальмитолеин (16:1)	0,09	0,14	-	0,18	0,25	0,20
Маргарин (17:0)	-	0,16	-	0,20	0,20	0,22
Стеарин (18:0)	3,84	12,49	14,58	15,05	16,28	17,60
Олеин (18:1)	28,45	16,47	13,95	13,38	11,38	9,56
Линол (18:2)	58,14	22,79	14,68	12,56	6,78	1,89
Арахин (20:0)	0,26	0,29	0,27	0,30	0,28	0,29
Эйкозен (20:1)	0,14	0,19	-	0,27	0,24	0,26
Беген (22:0)	0,77	0,40	0,29	0,28	0,19	0,14
Лигноцерин (24:0)	0,23	0,17	-	0,12	0,09	-
Транс изомерлар	1,16	29,60	36,35	37,20	42,06	46,37
Жами, %	100	100	100	100	100	100

Жадвалдан кўришиб турибдики, қаттиқ ёғлар концентрациясининг чапдан ўнгга горизонтал равишда ошиши билан тўйинган ёғ кислоталарининг масса улуши ошади ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг масса улуши камайган. Намуналарни ювиб, қуритгандан кейин мой ва ёғ қатламларга ажралиши содир бўлмади. Бунга триглицеридларнинг алкоголят катализатор иштирокида ацил гуруҳларининг молекулалараро ва ичкимолекуляр алмашиниши сабаб бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирги кунда пальма стеарини дунёда қандолат, ошпазлик ва бошқа ёғларни ишлаб чиқаришда, шунингдек турли мақсадлардаги маргаринларни ишлаб чиқариш учун кенг қўлланилмоқда. Пальма стеаринини ўсимлик мойлари билан переэтерификацияси маргариннинг транс-кислоталарсиз ёғли асосини олишга имкон беради. Кейинги тажрибаларда пальма стеарини ва ўсимлик мойларини переэтерификациялаш жараёнлари ўрганилди, олинган натижалар 7-жадвалда келтирилган.

### 7-Жадвал


#### Пальма стеаринининг физик-кимёвий кўрсаткичлари

Хомашё	Қаттиқ триглицерид миқдори, % да °С						Эриш ҳарорати, °С
	5	10	25	30	35	40	
ТТГ	78,58	77,42	58,44	42,48	32,71	18,55	51,0

Илова: \*ТТГ-Қаттиқ триглицерид миқдори.

Дастлаб хомашё сифатида пальма стеаринининг эриш ҳарорати ва ТТГ миқдори аниқланган. Эриш ҳарорати  $T_{эр.х} = 51^{\circ}\text{C}$  бўлган табиий пальма стеаринининг эриш ҳарорати жуда юқори, уни тўғридан-тўғри озиқ-овқатда,

спред маҳсулотнинг таркибий қисми сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқ эмас. Аммо уни переэтерификацияланган ёғнинг қаттиқ компоненти сифатида ишлатилиши мумкин. Лаборатория шароитида пальма ёғи ва кунгабоқар мойи аралашмасини турли нисбатларда переэтерификация қилиш жараёни амалга оширилди. Тажрибалар классик усулда, 80°C ҳароратда, лаборатория курилмасида натрий глицерин катализатори иштирокида ўтказилди. Натижалар 3-расмда келтирилган.



**3-расм. Олинган переэтерификатларда қаттиқ триглицерид миқдори.**

Тажриба натижасида ( $t_{\text{эп.х}}=31^{\circ}\text{C}$ ) ёғ олинган, у яхши суркаладиган ва спред учун юқори пластикликка эга, маргарин учун ёғ ( $t_{\text{эп.х}}=39^{\circ}\text{C}$ ), бу эса пиширилган қандолат маҳсулотларининг ғоваклигини таъминлайди. Маҳаллий хомашёдан юқори сифатли переэтерификатлар олиш учун пальма стеаринини юқори титрли саломалар билан алмаштирилиши мумкин. Аммо ўсимлик мойларини чуқур гидрогенлаб, юқори титрли саломаларни олиш анча мураккаб жараёнидир. Жараён кўп вақт ва жуда кўп катализаторни талаб этади.

Кейинги тажрибаларда пахта мойига катализаторни бўлиб бериш билан чуқур гидрогенлаш олиб борилди. Олинган натижалар 8-жадвалда келтирилган.

### 8-Жадвал

#### Катализаторни бўлиб бериш ҳисобига чуқур гидрогенлаш давомийлиги

Реакции давом этиш вақти, соат	Йод сони, %J <sub>2</sub>		
	Анъанавий	Икки марта	Уч марта
1	62,4	76,8	80,3
2	44,8	48,7	53,9
3	36,3	28,9	26,8
4	28,5	13,1	11,9

Кейинги тажрибада биз кунгабоқар ўсимлик мойи билан чуқур гидрогенланган ёғларни переэтерификациясини ўтказдик ва 9-жадвалда келтирилган маълумотларни олдик. Бу ерда № 1, 60/40; № 2, 75/25; № 3, 80/ 20; № 4, 90/10 таркибида транс ёғ кислоталари миқдори 7% гача чуқур гидрогенланган ёғ ва ўсимлик мойлари нисбатидаги рецептларидир.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар шуни хулоса қилишга имкон яратди: маргарин ишлаб чиқаришнинг модификацияланган ёғли асосини олиш


учун дастлаб аралашманинг ёғ кислотаси таркибини керакли нисбатда ўзгартириб, сўнгра уни ишқорий алкохолат, этилат натрий сифатида триацилглицеридлар таркибидаги ёғ кислоталарининг керакли ўриналмашинувидача перээтерификациялаш мақсадга мувофиқ экан.

### 9-Жадвал

#### Чуқур гидрогенланган пахта саломаси ва кунгабоқар мойидан олинадиган перээтерификатларнинг асосий кўрсаткичлари

Намуналар	Транс изомерлар миқдори, %	Эриш ҳарорати, °С	Қаттиқлик, г/см	К.с. мг КОН
№1	1,9	31	110	0,2
№2	2,1	36	130	0,2
№3	5,6	38	360	0,3
№4	6,3	44	400	0,3
саломас	7	53	460	0,4

Диссертациянинг «Ўсимлик мойларини модификациялаш жараёни асосида маргарин саноатида ёғларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида фаоллиги меъёрлаштирилган Нисосел-820 катализатори билан пахта мойи гидрогенизациясининг саноат-синовларига бағишланган. «Урганч ёғ-мой» АЖ ва ҚК «Интеграл инвест» МЧЖ корхоналарида автоклавни, ишлаб чиқилган чуқур гидрогенлаш технологиясига биноан катализаторни бўлиб беришга мослаштириб, бир қатор ўзгартиришлар киритилиб 4-расмда келтирилган.



1-ўсимлик мойи идиши, 2-насос, 3-катализатор суспензияси идиши; 4-автоклав; 5-насос; вакуум системаси; 6-иссиқлик алмаштиргич; 7-насос; 8-патрон филофли фильтр; 9-саломас учун идиш; 10-саломас учун насос;  
**4-расм. Ўсимлик мойларини гидрогенизациялашнинг технологик схемаси**

Одатдаги гидрогенлаш усулида (назорат қилишда) мой 120°C га қадар қиздирилди ва катализаторни мойнинг оғирлигига нисбатан 0,3% миқдорида кўшилди, сўнгра ҳарорат 160°C га кўтарилди ва водород берилиб (P=2-3 атм),

кейин 190°C гача қиздирдик. Экзотермик реакция ҳисобига жараён ажралган иссиқлик ҳарорати 200°C гача кўтарилди. Саломас эриш ҳарорати 57-59°C га эришгунча гидрогенлаш жараёни давом эттирилди. Биринчи таклиф қилинган усулда катализатор жараёнга икки босқичда киритилди, яъни катализаторнинг 60% автоклавга жараён бошланганда, қолган 40% эса 1 соатдан кейин киритилди.

Иккинчи усул биринчисига ўхшаш тарзда қўлланилади, аммо катализатор уч босқичда киритилади, яъни. Аралашманинг 50% жараёни бошида, 30% 1 соатдан кейин ва охириги 20% берилиб, саломас эриш ҳарорати 44-46°C эришилди. Барча тажрибалар натижалари 10-жадвалда келтирилган.

## 10-жадвал

### Саноат синов натижалари

Ўғ намунаси, №	Анъанавий усул			Катализаторни икки марта бўлиб бериш			Катализаторни уч марта бўлиб бериш		
	t, соат	Йод сони, % J <sub>2</sub>	T <sub>эр.х</sub> , °C	t, соат	Йод сони, % J <sub>2</sub>	T <sub>эр.х</sub> , °C	t, соат	Йод сони, % J <sub>2</sub>	T <sub>эр.х</sub> , °C
1	3,15	7,3	57,8	3,00	8,6	59,3	2,95	8,0	59,5
2	4,10	11,5	57,0	3,60	10,2	57,9	3,08	10,9	57,7
3	5,00	26,1	53,8	4,38	21,4	55,7	4,06	19,1	56,4

Жадвалдан, пахта мойи учун анъанавий гидрогенлаш вақти мой сифатига қараб 3,15 соатдан 5,00 соатгача бўлганлигини кўриш мумкин. Агар маълум микдордаги катализатор икки босқичда реакция муҳитида гидрогенланган бўлса, жараён давомийлиги 1-намунада 3,15 дан 3,00 соатгача, 2-намунада 4,10 дан 3,60 соатгача ва 3-намунада 5,00 дан 4,38 соатгача қисқаради. Катализатор уч босқичда гидрогенланганида, гидрогенланиш давомийлиги яна қисқарган. Хусусан, биринчи намунада у 2,95 соатгача, иккинчисидан 3,08 соатгача, учинчисидан эса 4,06 соатгача қисқарди. Саломасларнинг йод сони гидрогенлаш давомийлигига қараб 1-намунада 109,6 дан 7,3-8,6% J<sub>2</sub> гача, 2-намунада 106,8 дан 10,2-11,5% J<sub>2</sub> гача ва 3-намунада 110,1 дан 19,1% J<sub>2</sub> гача бўлиб, 26,1% J<sub>2</sub> гача камайтирилган. Барча тажрибаларда маҳсулотнинг эриш ҳарорати 53,8-59,5°C ташкил қилган. Ҳар бир синовда олинган саломаслар, гидрогенлашдан сўнг, катализаторни олиб ташлаш учун вертикал патрон филофли филтрдан ўтказилди. Бунда саломасларга анъанавий усулда ва тавсия этилган усулда филтрлашдан олдин филтрловчи қўшимча сифатида 0,2% перлит қўшилган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, пахта мойини чуқур гидрогенлаш жараёнида катализаторни реакция муҳитига икки ёки уч босқичда киритиш жараёнининг давомийлигини 3,15-5,00 соатдан 2,95-4,06 соатгача қисқартиради, яъни ўғнинг сифатига қараб 1,07-1,23 баравар камайишига олиб келди. Қайта ишлаш вақтини қисқартириш орқали автоклавнинг унумдорлиги ўртача 20% га, цехнинг унумдорлиги 15% га, буғ, электр энергияси ва ишчи кучи нархи ўртача 10-15% га камайди. Тавсия этилган технологияга кўра, транс-кислоталар микдорини максимал даражада камайтириш билан саломасларни олиш мумкин.

«Тошкент ўғ-мой комбинати» АЖ нинг переэтерификация ва маргарин цехларида сизими 10 м<sup>3</sup> реакторда пахта саломаси ва пахта мойи аралашмасини переэтерификациялашнинг самарали технологияси, Тошкент

кимё-технология институти ходимлари томонидан ишлаб чиқилиб, саноат-синовлари натрий метилат катализаторида ўтказилди. Переэтерификация жараёни SUNMAN ENGINEERING переэтерификация тизимида ўтказилди.

### 11-жадвал

#### Пахта саломаси ва пахта мойи аралашмаларининг кўрсаткичлари

№ т/р	Пахта саломаси, %	Пахта мойи, %	Переэтерификатларнинг кўрсаткичлари					
			Переэтерификациягача			Переэтерификациядан кейин		
			К.с.mg KOH/g	Й.с., J <sub>2</sub> %	Т <sub>эп.</sub> °C	К.с.mg KOH/g	Й.с., J <sub>2</sub> %	Т <sub>эп.</sub> °C
1	5	95	0,28	85,3	36,9	0,22	86,8	28,4
2	10	90	0,31	75,3	41,3	0,25	74,5	34,2
3	15	85	0,34	67,5	43,2	0,22	67,2	35,4
4	20	80	0,32	54,3	45,5	0,20	55,1	36,3
5	25	75	0,35	48,2	47,9	0,24	49,4	39,7

Жараённинг технологик шароитлари аниқланди: ҳарорат  $T = 90^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 0,5$  атм, аралаштириш тезлиги 200 ай/мин, катализатор - натрий метоксид (метилат) 2 кг/т. Кейинги тажрибаларда мой ва саломаслар аралашмасининг переэтерификациядан олдин ва кейин эриш ҳароратининг ўзгариши 11-жадвалда келтирилган.

Жадвалдан кўришиб турибдики, переэтерификация жараёнидан сўнг пахта саломаслари ва мойлари билан аралашмаларнинг характеристикалари сезиларли даражада ўзгарган. Аралашмадаги саломаснинг масса улуши 5% дан 25% гача ошганда аралашманинг эриш ҳарорати  $36,9^{\circ}\text{C}$  дан  $47,9^{\circ}\text{C}$  гача ошди ва переэтерификациядан сўнг у мос равишда  $28,4^{\circ}\text{C}$  дан  $39,7^{\circ}\text{C}$  гача камайди. Йод миқдори деярли ўзгаришсиз қолди, кислоталар миқдори қисман камайди.

### 12-жадвал

#### Саноат синовларида олинган ёғдорлиги 82% бўлган ва мавжуд маргаринларнинг солиштирма таснифлари

Кўрсаткичлар номи	Мавжуд	Таклиф қилинган
Ранги	Бутун масса бўйлаб бир хил таркибга эга оч сариқ ранг	
Консистенцияси	Пластик, зич, бир текис, ялтироқ кесим	
Маргариндан олинган ёғнинг эриш ҳарорати, °C	33	34
Намлик масса улуши ва учувчан моддалар, %	16,98	16,84
Тузнинг масса улуши, %	0,4	0,4
Маҳсулотда ёғ миқдорига нисбатан транс изомерлар масса улуши, %	7,6	2,1
Кислоталик, (Кеттсторфер)°К	2,2	2,3
Ёғнинг масса улуши, %	82,25	82,23

Кейинги тажрибаларда олинган переэтерификатлар маргарин ишлаб чиқаришда қўлланилган ва уларнинг сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилган. Охириги тажрибада маргарин маҳсулотларини мавжуд ва ишлаб чиқилган рецептлар асосида тайёрланди. Саноат тажрибалари ҚҚ «ИНТЕГРАЛ ИНВЕСТ» МЧЖ корхонасининг маргарин цехида ўтказилди. Ишлаб чиқарилган маргаринлар таҳлил қилинди ва уларнинг сифат кўрсаткичлари таққосланди. Таҳлил натижалари 12-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, таҳлил қилинган маргаринларнинг сифати ЎзДСТ 3317-2018 талабларига мос келган.

Тавсия этилган рецепт бўйича олинган маргаринларнинг консистенлиги (пластиклик, эрувчанлиги, кесилган юзаси) яхшироқ эканлиги сезилди. Натижада чуқур гидрогенланган саломаслар ва пахта мойи аралашмасидан олинган переэтерификатларнинг маргарин таркибига киритилиши маргарин сифатининг янада яхшиланишига олиб келиш имкони таклиф қилинган. Хусусан, маргариндаги транс изомерлар миқдори минимал даражага туширилган ва органолептик хусусиятлари яхшиланган. Бу переэтерификатланган ёғларни маргарин ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиш учун тавсия этишга имкон берган. «ИНТЕГРАЛ ИНВЕСТ» МЧЖ қўшма корхонасида кунига 30 тонна маргарин линияси унумдорлиги билан маргарин саноати учун ёғли асослар ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологиясини жорий этишдан иқтисодий самара йилига 750 миллион сўмни ташкил этди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўсимлик мойларини гидрогенлаш жараёнига дисперсли никель катализаторларини бўлиб бериш билан йод сонини минимал даражага тушириш тавсия этилди.

2. Ўсимлик мойларидан минимал миқдордаги транс-кислотали саломасларни олиш учун, ҳосил бўлган саломасларнинг йод сони ёки эриш ҳароратининг ўзгаришига қараб, гидрогенлайдиган никел катализаторларининг дозалаш вақтини ўзгартириш тавсия этилди.

3. Ёғларни переэтерификациялаш катализаторларини (натрий метилат ёки этилат) 0,5% дан 1,0% гача бўлган органик (лимон, олма, сирка ва бошқа) кислоталарининг 2% сувли эритмасини киритиш орқали дезактивация қилишни янги усули ишлаб чиқилди.

4. Таркибида 7,0% транс-кислотаси бўлган озиқа саломасини рафинацияланган кунгабоқар мойи аралашмаси билан этилат натрий катализатори орқали переэтерификациялаб 2,1% гача, олинадиган ёғли асосни эриш ҳароратини 53 дан 36°C гача камайтириш, бунда уларнинг қаттиқлиги Каминский бўйича 15 °С да 460 дан 130 г/см га ва кислота сони 0,4 дан 0,2 мг КОН/г камайиши изохланади.

5. Модификацияланган ёғли асос таркибида транс-кислоталарнинг миқдори минимал (2,1%) маргариннинг мақбул таркиби тавсия этилди.

6. Маргарин саноати учун ўсимлик мойларини кукунли никел катализаторларида гидрогенлаш орқали модификация қилиш жараёни асосида, олинган саломасларни, рафинацияланган ўсимлик мойлари билан натрий этилат катализатори инерт азот газини оқимида переэтерификациялаш натижасида ёғларни ишлаб чиқариш такомиллаштирилган технологияси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ  
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО – ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**РАХИМОВ ДИЛШОД ПУЛАТОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА ЖИРОВ  
МАРГАРИНОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ НА ОСНОВЕ ПРОЦЕССА  
МОДИФИКАЦИИ РАСТИТЕЛЬНЫХ МАСЕЛ**

**02.00.17 – Технология и биотехнология обработки, хранения и переработки  
сельскохозяйственных и пищевых продуктов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.2.PhD/T1542**

Диссертация выполнена в Ташкентском химико - технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу [ik-kimyo.nuu.uz](http://ik-kimyo.nuu.uz) и информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Рузибаев Акбарали Турсунбаевич**  
кандидат технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Исабаев Исмаил Бабажанович**  
доктор технических наук, профессор

**Юнусов Обиджан Кадилович**  
кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в «\_\_» часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21; факс: (+99871) 244-79-17; e-mail: [tkti\\_info@edu.uz](mailto:tkti_info@edu.uz)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № \_\_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А. Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2021 г.).

**С.М. Турабджанов**  
Председатель Научного совета по присуждению  
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

**Х.Э.Кодиров**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёной степени доктора наук,  
д.т.н., профессор

**К.О. Додаев**  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению учёной степени доктора  
наук, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня в мире использование твердых жиров в пищевой промышленности при производстве маргарина, кондитерских, хлебобулочных и изделий смежных отраслях с каждым годом увеличивается. В то же время производство твердых пищевых жиров из жидких растительных масел, совершенствование процесса гидрогенизации растительных масел с различными добавками улучшение с использованием новых высокоселективных никелевых и медно-никелевых катализаторов, насыщения водородом сырья растительных масел и жиров важны для исследований, уделяется большое внимание.

В мировой пищевой промышленности проводятся научные исследования по развитию маргариновой, кондитерской, хлебопекарной и других смежных отраслей. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию процесса переэтерификации растительных масел, получению специфической жировой основы маргарина, переэтерификации порошковыми катализаторами этилата натрия при статической и направленной переэтерификации и формированию на их основе структуры и свойств твердых жиров.

В республике реконструирован ряд предприятий по производству маргарина из местного сырья. Переэтерификация растительных масел и жиров в порошковых катализаторах, таких как этилат натрия, модификация растительных масел и жиров, совершенствование технологии производства масел в маргариновой промышленности, новые составы и их производство дают особое внимание и достигаются определенные результаты. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет важные задачи по «развитию новых производственных технологий, основанных на глубокой переработке местного сырья, вывода производства на качественно новый уровень»<sup>1</sup>. В связи с этим особое значение приобретают научные исследования, направленные на совершенствование технологии производства масел на основе модификации растительных масел и жиров, в том числе в маргариновой промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, постановленных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПП № 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», ПП № 4118 от 16 января 2019 года «Дополнительные меры по дальнейшему развитию масложировой отрасли и внедрение механизмов управления рынком», УП № 4891 от 6 апреля 2017 года «О критическом анализе объема и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации импортозамещающего производства», ПП № 2916 от 21 апреля 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию и развитию системы выполнения работ, связанных с бытовыми отходами в 2017-2021 гг.», а также в других нормативно-правовых актах, связанных с данной деятельностью.

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетами направлением развития науки и технологий VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Совершенствованием технологии производства жиров маргариновой промышленности на основе модификации растительных масел и жиров и исследованием занимались А.Г.Сергеев, Д.В.Сокольский, П.В.Науменко, Б.Н.Тютюнников, А.А.Шмидт, П.А.Артамонов, А.И.Глушенкова, Н.С.Арутюняном, А.А.Абдурахимов, Ю.К.Кадиров, Ф.Б.Бижанов, М.А.Гинзбург, К.А.Жубанов, Н.Л.Меламуд, И.М.Товбин, С.А.Абдурахимов, К.Х.Мажидов, И.Б.Исабаев и др.

Ими разработаны технологии производства жиров для маргариновой промышленности на основе модификации растительных масел и жиров, использования твердых жиров в пищевой промышленности при производстве маргарина, кондитерских, хлебобулочных и продукции других смежных отраслей промышленности.

Вместе с тем проводятся исследования по совершенствованию процессов гидрогенизации и переэтерификации растительных масел и жиров, расширению видов сырья для гидрогенизации и переэтерификации и продуктов на их основе - для маргариновой промышленности.

